



22, Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Kushbegi ko'chasi, 22 uy.e-mail:fidoyi.audit@mail.ru Tel: (+998 71) 250-52-31 ATIB  
"PROTEKABANK" Toshkent sh Yashnabod tumani filiali MFO: 00959 H/R: 20 208 000 904 099 182 001 INN: 203 505 716 ОКЭД: 69202

№ 17  
«18» маариф 2020 йил

### Мустакил аудиторлик хуносаси

«AGREGAT ZAVODI» АЖ  
Бош директори Ф.Н.Гаффаровга  
Тошкент шахар Олмазор тумани,  
Уста Ширин кўчаси 117 уй  
СТИР 200 846 040

#### Молиявий хисобот аудит натижалари бўйича хулоса

##### Ижобий изохли фикр

Биз «AGREGAT ZAVODI» АЖнинг 2019 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги хисоботини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва заарлар тўғрисида хисоботи, хусусий капиталдаги ўзгарышлар тўғрисида хисоботи, пул оқимлари тўғрисида хисоботи, шунингдек хисоб сиёсати аҳамиятли коидаларининг кискача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова килинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, кўшимча изохлар билан фикр билдириш учун асос жамият бўлимларида тавсифланган жиҳатнинг таъсирини истисно этганда, молиявий хисоботлар «AGREGAT ZAVODI» АЖнинг 2019 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия хисоботининг миллий стандартларига мувофик ҳақконий акс эттиради.

##### Кўшимча изохлар билан фикр билдириш учун асос

Акционерлик Жамиятнинг бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февральдаги №54-сонли карорига билан тасдиқланган. “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларни таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги” Низомга мувофик ишлаб чиқарилаётган хар бир тур тайёр маҳсулотларнинг хар бир ишлаб чиқариш цехи бўйича шакллантириб борилмаган.

Ишлаб чиқарилган иш хажмлари камлиги боис, доимий харажатлар суммаси копланмасдан колган холатлари мавжуд.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар буюртмачиларга ўз вактида реализация килинмаслиги оқибатида 2019 йил охирида йил бошига нисбатан жамият оборот маблағлари 12 330 792 760 сўмлик тайёр маҳсулотларига банд бўлишига йўл қўйилган, омборларда йиғилган тайёр маҳсулотларни буюртмачиларига сотиб айланма маблағларни банд бўлишини камайтириш керак.

Жамиятда 2019 йилда ишчи ходимларнинг иш хаки ва ЯИТ харажатлари билан жами 12 102 338 160.10 сўмни ташкил килган. Ёки 31 295 429 000,0 сўм бажарилган иш хажмининг 38,67 % ни ташкил килган. Меъер бўйича иш хажмини 12%гacha кисмини иш хакига йўналтирилишини инобатта олсак жамиятда сарфлаган иш хакқига жами 100 852 818 000 сўмлик иш хажми бажарилиши керак эди ёки 69 557 389 000 сўмлик иш хажми кам бажарилган.

##### Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига мувофик аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хуносанинг “Аудиторнинг молиявий хисоботни текшируви бўйича

жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустакил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий коидаларига, молиявий хисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодекса белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб хисоблаймиз.

### **Аудитнинг муҳим масалалари**

Аудитнинг муҳим масалалари-ушбу масалалар, бизнинг профессионал муроҳазамидан келиб чиқкан ҳолда жорий давр учун молиявий хисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий хисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирамаймиз.

#### **Молиявий хисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги**

Раҳбарият молиявий хисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий хисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан кабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий хисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра хисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тутатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа холатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун маъсул шахслар корхонанинг молиявий хисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

#### **Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий хисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хуносасида акс эттириш. Акли ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлиб, Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниклай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузуб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузуб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий хисоботдан фойдаланувчилар иктисодий карорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим хисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир кисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал муроҳаза юритамиш ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташкири биз куйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий хисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниклан ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиш ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиласиган аудиторлик далилларини оламиш. Фирибгарлик натижасида муҳим бузуб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузуб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юкори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасдан ҳато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтвучи хатти-харакатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиши максадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва ҳақконий тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия хисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш кобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаникликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши максадга мувофиқлиги тўғрисида хуласа қиласиз. Агар биз муҳим ноаникликлар мавжуд деган хуласага келсак, аудит хисоботида молиявий хисоботдаги

ноаникликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаникликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хulosамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлукезлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий хисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор килинишини ва молиявий хисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вакти ва аудитда аникланган мухим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аникланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа киламиз. Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустакиллигига тегишли барча ахлокий талабларга риоя килинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустакиллигига таъсир килиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар килинган масалалардан жорий давр молиявий хисоботи аудитида энг мухим ва аудитнинг асосий масалаларини аниклаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит хисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор килиниши конун ёки бошка хужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хulosага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин килиш мумкин.

Мустакил аудит  
ўтказган аудитор



Ахмедов М-Л.Н.

Тошкент ш. Яккасарой шумани  
Күшбеки кучаси 25-үй

18.03.2020